



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 27 » август

№ 522

Toshkent sh.

“Қизилқумцемент” АЖда клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи технологик линияни қуриш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий қўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида

“Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи технологик линияни қуриш” лойиҳасини амалга ошириш орқали ички ва ташқи бозорда талаб бўлган юқори маркали цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

“Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи технологик линияни қуриш” инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш доирасида капитал қўйилмаларнинг умумий қиймати 112 639,9 минг евро эквивалентига тенг бўлган инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ишлаб чиқилганлиги;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятининг 92 829,0 минг евро эквиваленти миқдоридаги маблағлари ва “Ҳамкорбанк” акциядорлик тижорат банкининг 19 810,9 минг евро эквиваленти миқдоридаги кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

“Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти инвестиция лойиҳасининг ташаббускори ва “Ҳамкорбанк” акциядорлик тижорат банки кредитидан мақсадли фойдаланилиши ва лойиҳанинг самарали амалга оширилиши учун масъул қарз олувчи ҳисобланади;

қарз ва у билан боғлиқ харажатлар “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади;

инвестиция лойиҳаси “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида (Engineering Procurement Construction) “fast-track” услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) амалга оширилади;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида олиб кириладиган технологик ускуналар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналар, технологик ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган тегишли синов лабораториялари мавжуд бўлмаган тақдирда, истисно тариқасида, мажбурий сертификатлашдан озод қилинади.

3. “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи технологик линияни куриш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил декабрь ойи инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддати этиб белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил **27 август** даги **522** сон қарорига
илова

**“Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи
технологик линияни қуриш” инвестиция лойиҳаси техник-иктисодий хисоб-китобининг
асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари**

| Т/р | Кўрсаткич номланиши | Ўлчов бирлиги | Жами | шу жумладан: | |
|-----|--|-----------------|-----------|-----------------------------------|-----------------------------|
| | | | | “Қизилқумцемент” АЖ маблаглари | “Ҳамкорбанк” АТБ кредити |
| 1 | Лойиҳанинг умумий қиймати | минг евро (эkv) | 112 639,9 | 92 829,0 | 19 810,9 |
| 2 | Капитал қўйилмалар қиймати | минг евро (эkv) | 112 639,9 | 92 829,0 | 19 810,9 |
| | шу жумладан: | | | | |
| 2.1 | машина ва ускуналар | минг евро (эkv) | 54 594,8 | 34 783,9 | 19 810,9 |
| | ЭКВда | минг евро (эkv) | 54 566,7 | 34 755,8 | 19 810,9 |
| | миллий валютада | минг евро (эkv) | 28,1 | 28,1 | |
| 2.2 | қурилиш-монтаж ишлари | минг евро (эkv) | 51 226,7 | 51 226,7 | |
| | ЭКВда | минг евро (эkv) | 51 226,7 | 51 226,7 | |
| 2.3 | инвестиция давридаги молиявий харажатлар | минг евро (эkv) | 576,4 | 576,4 | |
| | ЭКВда | минг евро (эkv) | 99,1 | 99,1 | |
| | миллий валютада | минг евро (эkv) | 477,3 | 477,3 | |
| 2.4 | бошқа харажатлар | минг евро (эkv) | 6 242,0 | 6 242,0 | |
| | ЭКВда | минг евро (эkv) | 5 614,1 | 5 614,1 | |
| | миллий валютада | минг евро (эkv) | 627,9 | 627,9 | |
| 3 | Лойиҳанинг қуввати, шу жумладан ишлаб чиқариладиган cliniker маҳсулотининг йиллик хажми | минг тонна | | 1 800 | |
| 4 | Яратиладиган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати | минг евро (эkv) | | 112 490,6 | |
| 5 | Мўлжалланётган ишга жойлаштирилувчилар сони | | 40 нафар | | |
| 6 | Инвестиция даврининг давомийлиги | | 15 ой | | |

